

№ 4-02-20

1-1710-1902/31

Кассация инстанциясида
маърузачи: судья У.Каримов

Биринчи инстанция судининг
судьяси: Ж.Якубхўжаев

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2020 йил январь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди судьяси У.Каримов, ҳайъат судьялари И.Сатвалдиев, О.Мамажановдан иборат таркибда, И.Яқубжоновнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Атаханов, ҳимоячи О.Қобиловаларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг ҳукмига мувофиқ судланган [REDACTED] га оид жиноят ишини вилоят прокурори томонидан билдирилган кассация протестига асосан кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2019 йил 18 июлдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED]
([REDACTED]), 1989
йил 8 ноябрда Асака туманида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам
судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED]
[REDACTED] да
яшайди, иши бўйича шахсий кафиликка
олиш эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиниб, 2 йил синов муддати белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2019 йил 10 февраль куни соат 00.30 ларда Марҳамат тумани, Кончилар МФЙ, Бахмал кўчаси, 108-уйида жиноят ишининг унга оид қисми ярашилгани муносабати билан тугатилган турмуш ўртоғи [REDACTED] билан ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли гап тортишиб, турмуш ўртоғи унинг бошига хўжалик чопқиси билан қасдан уриб, енгил шикаст етказганидан жаҳли чиқиб, хўжалик пичоғи билан [REDACTED] танасининг турли жойларига ўта шафқатсизлик билан қасдан уриб, оғир шикаст етказганликда айбли деб топилган.

Протестда дастлабки тергов ва судда судланган [REDACTED] нинг ҳаракатларида жиноятни ўта шафқатсизлик билан содир этилганини тасдиқловчи белгилар мавжуд бўлмаса-да, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 104-моддаси шу квалификация белгиси билан малакалангани кўрсатилиб,



унинг ҳаракатларини ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси У.Каримовнинг маърузасини, прокурор Ш.Атахановнинг суд ҳукмини ўзгартириб, кассация протестини қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини, ҳимоячи О.Қобиловнинг кассация протестини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, протестдаги вазларни жинойт иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, протестни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандида баданга қасддан етказилган оғир шикастнинг ўта шафқатсизлик билан етказилган деб тегишлича ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “в” банди билан квалификация қилишда айбдорда жабрланувчига бундай шикастни алоҳида жисмоний ёки руҳий азоб берувчи усулда етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлганини аниқлаш лозимлиги, ўта шафқатсизлик, баданга оғир шикаст етказишга сабаб бўлган азоблаш ва қийнашда намоён бўлиши, азоблаш деганда узоқ вақт овқат, сув ёки иссиқликдан маҳрум қилиш каби хўрловчи ҳаркатлар, ёхуд инсонни соғлиқ учун зиён етказувчи шароитга солиш ёки унда қолдириш, қийнаш деганда, кўп марта ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказувчи жароҳатлар етказиш, электр ёки термик омиллар орқали таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори 12-бандида қасддан одам ўлдириш жинойтини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «ж» банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шартлиги, бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, қонун ўта шафқатсизлик тушунчасини одам ўлдириш усули билангина эмас, балки, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар билан ҳам боғлашини, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усуллари, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи захардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкинлиги, баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-укубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкинлиги, жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларида, судланган [REDACTED] ни жабрланувчи [REDACTED] га нисбатан жинойтни ўта шафқатсизлик билан содир этилганини



тасдиқловчи бирор-бир квалификация белгиси мавжуд бўлмагани ҳолда, суд жабрланувчининг баданига бир неча марта хўжалик пичоғи билан қасддан уриб, шикаст етказилиши ҳолатинигина ўта шафқатсизлик белгиси билан баҳолаб, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 104-моддаси шу квалификация белгиси билан малакалаб, барвақт тўхтамга келган.

Судланган []нинг қасддан баданга оғир шикаст етказганликдан иборат айби, уни айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, ариза, суд-тиббий экспертизаси ҳулосаси, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланган.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга кўра, []га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартиришни, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “в” бандидан ЖКнинг шу моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни, ЖКнинг шу моддаси шу қисми билан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилишни, синов муддати белгилашни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, протестни қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2019 йил 18 июлдаги []га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

[]нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “в” бандидан ЖКнинг шу моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин, ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин, ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, тайинланган жазо шартлига алмаштирилиб, 1 йил синов муддати белгилансин, ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, протест қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи :

У.Каримов

Ҳайъат судьялари :

И.Сатвалдиев

О.Мамажанов



Раислик қилувчи: имзо
Ҳайъат судьялари: имзолар

**Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят суди судьяси**

У.Каримов

